

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ
МАРКАЗИ**

АМОНОВ АЗИЗБЕК АМОНЖОНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНИ ЭВОЛЮЦИЯСИ
(Социологик таҳлил)**

**22.00.01 – Социология назарияси, методологияси ва тарихи.
Социологик тадқиқотлар**

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по социологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the
Doctor of Philosophy (PhD) on Sociological Sciences**

Амонов Азизбек Амонжонович

Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлаш жараёни
эволюцияси (социологик таҳлил)4

Амонов Азизбек Амонжонович

Эволюция процесса обеспечения межнационального согласия в
Узбекистане (социологический анализ)29

Амонов Азизбек Амонжонович

Evolution of the process of interethnic harmony in Uzbekistan
(sociological analysis)56

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 62

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ
МАРКАЗИ**

АМОНОВ АЗИЗБЕК АМОНЖОНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНИ ЭВОЛЮЦИЯСИ
(Социологик таҳлил)**

**22.00.01 – Социология назарияси, методологияси ва тарихи.
Социологик тадқиқотлар**

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Sots31 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика Маънавият ва маърифат марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.dba.uz/uz/tadqiqotchilarga/ilmiy-kengash) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бекмуродов Мансур Бобомуродович
социология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Матибаев Тасполат Балтабаевич
Социология фанлари доктори, профессор

Жўраев Қодиржон Асадович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қорақалпоғистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси хузуридаги DSs 20/30.12.2019.S.23.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил « 9 » кунини соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-60-80; факс: (99871) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (84 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-61-25)

Диссертация автореферати 2021 йил « 24 » 09 кунини тарқатилди
(2021 йил « 24 » 09 даги № _____ рақамли реестр баённомаси)



Т.Б. Матибаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, социология фанлари доктори, профессор

Ш.М. Содиқова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, социология фанлари доктори, профессор

Ф.Я. Парманов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш хузуридаги илмий семинар раиси, социология фанлари доктори (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда миллатлараро тотувликка эришиш, турли халқлар, этнослар ўртасида толерантлик маданиятини янада ривожлантириш масаласи барча давлатларда доим долзарб бўлиб келган. Бугунги кунда дунё давлатлари аҳолисининг аксарияти полиэтник таркибга эга бўлиб, мультикультурализмни шакллантираётган бу демографик вазият миллатлараро муносабатларда зиддиятли ҳолатларни ҳам келтириб чиқармоқда. Шу боисдан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти дунё халқлари учун янги, оқилона, барча турдаги зиддиятларга барҳам берувчи ўзаро сулҳга келишишдан иборат ўзига хос ва хушёр ёндашувни жорий этиш масаласини кун тартибига қўймоқда.

Дунёда миллатлараро тотувликни таъминлаш жараёнини тадқиқ этиш борасида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, глобаллашув ва интеграция жараёнларининг моҳияти, хусусиятлари ва социодинамик табиати, полиэтник жамиятлардаги ижтимоий зўриқиш вазиятларига оқилона ёндашиш, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш масалалари, ижтимоий низолар, феноменологик ёки кундалик ҳаёт, социал алмашинув назарияси, социал макон ғоясига асосланган назарий-методологик таълимотлар, миллатлараро муносабатларни бевосита ёки билвосита ўрганиш учун ёшлар субмаданияти, миграция ва мультикультур жамиятлар, акмеология йўналишларининг замонавий социологияда қўлланилиши миллатлараро тотувлик жараёнларини янада барқарорлаштириш тизимини социологик таҳлил қилиш заруратини илгари сурмоқда.

Мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни барқарор сақлаш ва ривожлантиришга, турли миллат вакиллари ўзаро тотувлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда давлат ва маҳаллий бошқарув тизимлари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини такомиллаштириш, фуқароларнинг толерантликка асосланган маънавиятини янада юксалтириш билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилмоқда. «Миллатлараро тотувликни таъминлашда мамлакатимизда фаолият юритаётган 138 та миллий маданий марказнинг ўрни бекиёс. Айнан шу нуқтаи назардан келгусида ҳам миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади»¹. Бу юртимизда ўзбеклар ва бошқа халқларнинг эркин, озод истиқомат қилишлари, титул миллат билан тенг ҳуқуқли фуқаролар сифатида яшашлари, ўз миллий тили, маданияти, анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришда дунёда андозаси бўлмаган ҳуқуқий, маънавий ва ижтимоий йўналишларда социологик тадқиқотларни амалга ошириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом этириб, янги босқичга қўтарамиз // - Т.: Ўзбекистон, 2017. 1-том, 46-бет.

Харакатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сон «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 15 ноябрдаги ПФ-5876-сон «Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 23 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2993-сонли қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш»нинг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Янги Ўзбекистонни «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» ғояси негизида жадал ривожланиш йўлида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимизни барқарор, изчил ва жадал ривожлантиришга бағишланган асарлари, фармон ва қарорлари, концептуал ғоялари тадқиқотнинг илмий-методологик асосларини белгилаб берган. Бугунги кунда жаҳон ва мамлакатимизда этномаданий жараёнлар, миллатлараро муносабатлар ва этник муаммоларни ўрганган олимларнинг ишларини қуйидагича таснифлаш мумкин.

Хориж олимларининг миллатлараро тотувлик, миллатлараро муносабатлар ва у билан боғлиқ масалалар Г.Гарфинкель, В.Вундт, Э.Богардус, О.Конт, Ж.Милль, М.Мид, Р.Миллс, Г.Антонос, К.Гирц, Э.Геллнер, М.Хитчер, Э.Хобсбаум, А.Кинг ва Б.Шнайдер тадқиқотларида² ўрганилган. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида

²Гарфинкель Г. Что такое этнометодология? 2012. Т. 11 № 3. С. 144-154; Вундт В. Проблемы психологии народов. - М.: Академический проект, 2010. – 136 с.; Богардус Э. Социальная дистанция в городе. Материалы и публикации Американского социологического обществ. 20, 1926, 40-46. Конт О. Основные законы социальной динамики, или общая теория естественного прогресса человечества. // Философия истории. Антология. – М., 1995. С. 116-130; Милль Дж.С. О свободе // О свободе. Антология западноевропейской классической либеральной мысли. М., 1995. С. 228-293; Мид М. Культура и мир детства. Избранные произведения. – М., 1988. 285 с.; Парсонс Т. Система современных обществ. – М.: Изд. «Аспект Пресс», 1998. – 270 стр.; Миллс Р. Властвующая элита. – М., Издательство иностранной литературы, 2010. – 844 стр.; Антонос Г. Империя и национальное государство: история и современность // Политическая наука: (Теория. Ретроспектива исследований). – М., 1995. С. 83-112; См.: Гирц К. Интерпретация культур. – М.: РОССПЭН, 2004; См.: Геллнер Э. Нации и национализм. – М.: Прогресс, 1991; Hechter M. Internal Colonialism: The Celtic Fringe in British National Development, 1536-1966. – Berkeley: University of California Press, 1975; См.: Хобсбаум Э. Нации и национализм после 1780 года. – СПб: Алетейя, 1998; Alexander King and Bertrand Schneider. The First Global Revolution: A Report by the Шнайдер Council of the Club of Rome. – Bombay: Orient Longman, 1993.

миллатлараро тотувлик, миллатларо муносабатлар социологияси ва у билан бевосита боғлиқ бўлган жараёнлар таҳлили этносоциолог, этнопсихолог, файласуф, сиёсатшунослар Б.Поршнев, А.Лурия, Ю.Бромлей, И.Кон, В.Ханнанова, П.Токаръ ва Н.Омелаенколарнинг тадқиқотларида³ келтирилган.

Мамлакатимиз олимлари тадқиқот мавзусига ёндош бўлган муаммоларнинг социологик жиҳатларини М.Бекмуродов, Ш.Содиқова, А.Умаров, А.Холбеков, Т.Матибоев, О.Абдуазимов, А.Сеитов, Ф.Пармонов, К.Каланов, М.Ганиева, А.Юнусов,⁴ сиёсатшунослик билан боғлиқ хусусиятларини Н.Жўраев, А.Жалилов, Р.Жумаев, Н.Маманазаров, Қ.Жўраев, А.Мўминов, демографик, этнологик жиҳатларини Р.Убайдуллаева, А.Ата-Мирзаев, А.Бобохонова, Р.Муртазаева, Х.Юнусова, В.Гентшке, С.Сафоев, Ў.Расанаягам, А.Осипов, Қ.Ирназаров⁵ илмий асослаб берганлар. Бу борада социология фанлари доктори, профессор М.Бекмуродовнинг ижтимоий жараёнлар ва миллатлараро муносабатларни бошқаришда компромисс ва консенсус назарияси муҳим аҳамият касб этади. Муаммонинг илмий тадқиқот мавзуси сифатида келиб чиқишида вертикал ёндашув, яъни давлатнинг миллий тотувлик сиёсати, асосан, қонунлар ҳамда маъмурий қоидалар, тартиботлар самарали омил саналади, деган ёндашув А.Бегматов, Б.Иминов, А.Пўлатов, Ш.Саматов, Ф.Мардонова, Н.Маманазаров, А.Муминов, Ў.Абилов, Б.Туйчиев, Т.Жураев, З.Қодирова, Б.Сидиқов, И.Эргашев каби олимларнинг асарларида батафсил ёритилган. Миллий муносабатларда ижтимоий тотувликка эришишда горизонтал ёндашув, яъни фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий воқеликни англаш даражаси, нодавлат, нотижорат ташкилотлар таъсири, ижтимоий ҳамкорлик омиллари ҳал қилувчи мавқега эга, деган нуқтаи назарни илмий асословчилар А.Очилдиев,

³Қаранг: Поршнев Б. Социальная психология и история. Изд. 2-е, доп. и испр. – М., 1979.; Лурия А.Р. Природа человеческих конфликтов. Монография. / А.Р. Лурия. – М.: Когито-Центр, 2002. – 526 с.; Бромлей Ю.В. Этнос и этнография. – М.: Наука, 1973. – 285 с.; Кон И.С. Психология предрассудка: О социально-психологических корнях этнических предрассудков // Новый мир. 1966. № 9. - С. 187-205.; Қаранг: Ханнанова В. Политизация этничности как социологическая проблема автореферат по социологии. 2000 г.; Қаранг: Токаръ П.В. Массовые национальные движения Закарпатья: состояние и тенденции развития. Автореферат, кандидата социологич наук. 1993 г.; Қаранг: Омелаенко Н. В. Межэтническая толерантность молодежи в поликультурном регионе / Автореферата по кандидат социологических наук. 2013 г.

⁴Қаранг: Бекмуродов М.Б. Замонавий бошқарув социологияси. Монография, Тошкент, Ёшлар нашриёт уйи 2020. – Б.433; Содиқова Ш.М. Ўзгаришлар социологияси. Ўқув қўлланма, Тошкент, Akademiya, 2019 й.; Умаров А. Республика ахборот-кутубхона соҳаси: янгича талаблар // Халқаро конференция материаллари. – Тошкент, 2010. – Б.9.; Холбеков А. Маънавий кадрларни тиклаш, мустақиллик мафқурасини яратишда миллий кутубхоналарнинг ўрни ва аҳамияти // Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2015. – Б. 363.; Матибаев Т. Ижтимоий ҳамкорлик – миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни таъминлаш воситаси. – Тошкент: Янги китоб, 2016. – Б. 156.; Абдуазимов О. Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар социологиясининг ўрни (Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг 2001-2016 йиллардаги материаллари мисолида): Монография. – Тошкент: Фан ва технология, 2016. – 352б.; Матибоев Т. Ижтимоий ҳамкорлик – миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни таъминлаш воситаси. / Монография. – Тошкент: “Янги китоб”, 2016. – 184 б.; Каланов К.К. Марказий Осиё худудидagi ижтимоий-диний табақалар (диний-экологик ва социантропологик таҳлил). Тошкент., 2006 й.-92 б.; Ганиева М.Х., Общественное мнение как фактор развития межнациональных отношений в Узбекистане./дис.д-ра социол.наук. Т., УзМУ, 2010; Юнусов А. Ижтимоий меъёрдан огиш сабаблари // ижтимоий тадқиқотлар. - №1(3). – Тошкент: 2020. Б.49-57;

⁵Қаранг: Мазкур мутафаккирлар, олим ва тадқиқотчиларнинг асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» да келтирилган.

Ж.Баҳранов, Б.Каримов, Ш.Зокиров, С.Отамуродовнинг илмий изланишларида кенгроқ очиб берилган.

Мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотларда мавзуга оид назарий ғоя ва хулосаларга муносабат билдирилиб, мазкур ёндашувлардан миллий тотувликка эришиш йўлида қандай фойдаланиш имкониятларига эга эканлиги тадқиқ этилган бўлсада, бироқ миллий тотувликка эришишда титул миллат бўлган ўзбек халқининг толерант табиати, инсонпарварлиги, меҳр-шафқатлилиги, турли конфессиялар ва маданий ўзига хосликка мансуб аҳоли вакилларининг миллий мулоқот тизимидаги бағрикенглик ёндашувини мустаҳкамлашнинг ҳаракатлантирувчи омили эканлигини атрофлича тадқиқ этиш долзарб, илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Диссертация олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2017-2020 йилларда амалга оширилган ПЗ-20170930369 «Глобаллашув шароитида тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи ғоявий, мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши курашишнинг замонавий механизм ва технологияларини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлаш жараёни эволюциясини социологик таҳлил қилиш ҳамда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миллатлараро тотувликни социологик тадқиқ қилишнинг назарий-методологик асосларини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик муаммосини социологик ўрганилганлик ҳолатини аниқлаш;

миллатлараро тотувликнинг мамлакат тараққиётида тутган ижтимоий-маънавий ва сиёсий аҳамиятини очиб бериш;

жамоатчилик фикрини ўрганиш асосида миллатлараро тотувликни таъминлашнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий асосларини ўрганиш;

собиқ шўро тузуми даврида амалга оширилган миллатлараро муносабатлар сиёсатини танқидий таҳлил қилиш;

Ўзбекистон тараққиётининг янги даврида миллатлараро тотувлик – миллий юксалишнинг устувор йўналиши сифатида тутган ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиш;

миллий-маданий марказларнинг миллатлараро тотувликни таъминлашдаги ролини социологик ўрганиш асосида миллатлараро тотувлик жараёнларини оптималлаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлашнинг эволюцион жараёнлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлаш ва барқарорлаштириш имкониятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида барча жараёнларни қамраб олиш, тизимли ёндашув, контент таҳлил, қиёсий таҳлил, интервью, кузатиш, социологик сўровлар ўтказиш каби тадқиқот усулларига таянилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида амалга оширилаётган миллий сиёсат концепциясида мультикультурализм, толерантлик, плюрализм, тенг ҳуқуқлилиқ тамойиллари устувор йўналишлар сифатида ўрин олишининг ижтимоий аҳамияти асосланган;

мамлакатимизда миллатлараро тотувликни шакллантиришда бағрикенглик, инсонпарварлик, эзгулик фазилатларининг уйғунлашуви билан бирга тенг имкониятлар муҳити яратилганлиги ва маънавий-интеллектуал ривожланишида позитив динамик тенденция амал қилаётганлиги исботланган;

миллатлараро муносабатларда консенсус даражасига эришишда миллатлараро алоқа маданияти интенсифлашувининг муҳим жиҳатлари ва яқин ўн йилликда кутилаётган трансформацион жараёнларининг социологик прогнози очиқ берилган;

ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришда ҳар бир шахснинг фаолиятини манзилли, мақсадли фаоллаштириш, индивидуал ривожланишини, миллатлараро тотувликни, ижтимоий муҳит барқарорлигини таъминлаш негизида инсон ва жамиятнинг маърифатли ривожланиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мамлакатимизда миллатлараро тотувликни ривожлантиришнинг ҳудудий ҳамда полиэтник муҳитларда амал қилиш механизмлари ишлаб чиқилган;

миллатлараро тотувлик ҳолати юзасидан ижтимоий фикрни ўрганиш асосида аниқланган натижалар асосида давлат ва нодавлат ташкилотлар, хусусан, миллий-маданий марказлар фаолиятини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлашнинг узлуксиз амал қилиш механизми ҳудудлараро тарғибот тизими мазмунида жорий этилган;

диссертация иши доирасида танлов асосида республикамизнинг 5 та ҳудуди: Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Бухоро вилоятлари, Фарғона вилояти, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида 10 та миллат: ўзбек, қорақалпоқ, қozoқ, тожик, рус, қирғиз, туркман, татар, украин, корейс миллатлари ва танланган турли ижтимоий гуруҳ вакиллари (талабалар, мактаб ўқитувчилари, уй бекалари, нафақахўрлар, тадбиркорлар, маданият ва санъат соҳаси ходимлари ва журналистлар) ўртасида эксперт сўровлари ўтказилган ҳамда унинг натижаларидан маънавий тарғибот тизимида қўлланилган;

Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик муҳитини вилоятлар ҳамда турли халқлар ва элатлар кесимида барқарор таъминлашга йўналтирилган «Йўл харитаси» ишлаб чиқилган;

жамиятимиздаги давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда янада юксалтириш борасида зарурий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, ўтказилган социологик сўровноманинг анкета, интервью ва эксперт сўров шаклларига асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, этномаданият, этносоциология фанлари бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалар, услубий тавсиялар тайёрлашда; миллатлараро муносабатларни янада мустаҳкамлашга мутасадди бўлган ташкилотлардаги ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказларидаги ўқув курсларида ҳамда социологик фикрлар, тавсиялар этносиёсат, социология фанини янада такомиллаштиришда зарурий манба сифатида қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатлар бўйича қўмита, Республика Маънавият ва маърифат маркази, миллатлараро тотувлик ғоясини кенг тарғиб қилувчи маънавий-маърифий муассасалар, сиёсий партиялар, миллий-маданий марказлар, таълим-тарбия берувчи муассасалар, ижодий бирлашмалар, маданият уйлари, ассоциациялар фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлаш жараёни эволюциясини тадқиқ этиш асосида:

янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида амалга оширилаётган миллий сиёсат концепциясида мультикультурализм, толерантлик, плюрализм, тенг ҳуқуқлилиқ тамойиллари устувор йўналишлар сифатида ўрин олишининг ижтимоий аҳамияти асосланганлигига оид таклифидан 2020 йилнинг 24 ноябрь куни қабул қилинган «Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-бобдаги 30-моддасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари бўйича қўмитасининг 2020 йил 30 декабрдаги 04/5-05-39-сонли маълумотномаси). Натижада, янги Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик муносабатларининг қонуний асоси яратилди.

мамлакатимизда миллатлараро тотувликни шакллантиришда бағрикенглик, инсонпарварлик, эзгулик фазилатларининг уйғунлашуви билан бирга тенг имкониятлар муҳити яратилганлиги ва маънавий-интеллектуал

ривожланишида позитив динамик тенденция амал қилаётганлиги исботланганлигига оид тавсияларидан Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи йўналишининг 5.1.-банди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори дастурининг VIII боби ижроси бўйича ўтказилган тарғибот ишларида, шунингдек, Марказнинг 2017-2020 йилларда амалга оширилган амалий тадқиқотлар лойиҳаси «Глобаллашув шароитида тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи ғоявий, мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши курашнинг замонавий механизм ва технологияларини яратиш» мавзусидаги давлат грантини амалга оширишда фойдаланилди (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 23 декабрдаги 1113-сонли далолатномаси). Натижада, янги Ўзбекистоннинг маънавий дунёқараши юксалиши бўйича амалий методика яратилди ҳамда янги Ўзбекистоннинг миллий ғоясида миллатлараро тотувлик устувор ғоя сифатида киритиш белгиланди.

миллатлараро муносабатларда консенсус даражасига эришишда миллатлараро алоқа маданияти интенсивлашувининг муҳим жиҳатлари ва яқин ўн йилликда кутилаётган трансформацион жараёнларининг социологик прогнози очиб берилганлигига оид таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон қарорининг 4-илоvasи 16-банди ижросини таъминлаш бўйича ўтказилган тарғибот ишларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 23 декабрдаги 89-03-5447-сонли маълумотномаси). Натижада, талаба-ёшларда Ватанга садоқат, мамлакатимиз тарихи ва миллий қадриятларга ҳурмат, ёт ғояларга қарши туриш, диний бағрикенглик ва инсонийлик туйғуларини янада ошириш имкони яратилган.

ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришда ҳар бир шахснинг фаолиятини манзилли, мақсадли фаоллаштириш, индивидуал ривожланишини, миллатлараро тотувликни, ижтимоий муҳит барқарорлигини таъминлаш негизида инсон ва жамиятнинг маърифатли ривожланиши асосланганлигига оид таклифидан Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналиши, шунингдек, 2019-2021 йилларда миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини амалга ошириш бўйича йўл харитасида самарали фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг 2020 йил 11 декабрдаги 01-08-15-31-сонли далолатномаси). Натижада, Қўмита бошчилигида мамлакатимизда истиқомат қилувчи 130дан ортиқ миллат ва элатлар миллатлараро тотувлик ғояси остида яшашни таъминловчи йўл харитасини миллий маданий марказлар ҳамда вазирлик, идора, корхона, ташкилот, муассасалар иштирокида ишлаб чиқиш, шунингдек, уни амалиётга жорий этиш механизмлари тайёрланди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси: Тадқиқот натижалари 1 та халқаро, 3 та республика илмий-назарий, илмий-амалий конференцияларида маъруза шаклида баён қилинган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси доирасида 11 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий нашрларда 6 та, шундан 2 таси хорижий журналларда, 4 таси республика журналларида, шунингдек, 4 та тезис - шундан 2 таси халқаро конференция ва 2 таси республика конференция тўпламларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: кириш, учта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, 138 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазибалари аниқланган, диссертациянинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган илмий ишлар, тадқиқотнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлашнинг ижтимоий-назарий асослари» деб номланган биринчи бобида «миллатлараро тотувлик» тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти, хусусиятлари ва функциялари, социологияда миллатлараро тотувлик моделлари типологиясининг ишлаб чиқиши, миллатлараро тотувликнинг ёшларнинг сиёсий ижтимоийлашувига таъсири таснифланган. Миллатлараро тотувликни социологик тадқиқ қилишнинг илмий-методологик асосларини белгилашда ҳар бир шахс миллатлараро муносабатлар маданиятининг субъекти сифатида мулоқотга киришишини назарда тутиш лозим бўлади. Бу борада тадқиқотда миллатлараро муносабатлар маданиятининг ривожланиш мезонларига қуйидагилар киритилган:

1. Титул миллатнинг миллатлараро тотувлик муносабатлари тизимида жипслаштирувчилик ролини бажаришнинг самарадорлик даражаси;

2. Этномаданий муҳитдаги устувор маданий қадриятларнинг турли миллат вакилларида адекват эъозланиши.

3. Ҳар бир миллат вакилининг умуминсоний ва миллий манфаатлар уйғунлигини англаш даражаси.

4. Ҳар бир миллат вакилларида ўз халқи ва маданиятидан ғурурланишни ривожлантириш ва бу ҳолатни Ўзбекистондаги ягона этномаданий тотувликни ғурур билан боғлиқ ҳолда ҳис этиш туйғусига эгалик даражаси.

5. Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир этнос нафақат ўз қобиғида ривожланиши, балки яшаётган мамлакатининг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тараққиёти учун қайғуриш даражаси.

6. Ҳар бир миллат вакилининг ўзи яшаб турган ватан фаровонлиги учун онгли ҳисса қўшишга интилиш даражаси.

7. Ҳар бир этник бирлик вакили ўз миллий тилини билгани қаторида мамлакатдаги титул миллат тилини ҳам пухта билишга интилиш даражаси;

8. Барча миллат вакилларига тенг муносабат, уларни миллий ва ирқий белгисига қараб айиришга мойил бўлган одатига қарши туриш даражаси. Шовинизм, ирқчиликка мурасасиз бўлиш, миллатчилик, миллий калондимоғликдан холи бўла олиш даражаси.

Мазкур тамойиллар ҳар бир миллат вакилининг амалий фаолиятига асос қилиб олинсагина, жамиятни ривожлантирувчи драйверга айланади. Бунинг натижаси жамиятда ҳар бир миллатнинг, яъни мамлакатда кўпчиликни ташкил этувчи титул миллат ҳамда шу мамлакатда яшовчи бошқа миллатларнинг тенг ҳуқуқли бўлиши таъминланади; барча миллат, элатлар равнақига, миллий манфаатларига тенг эътибор берилади; демократик, ҳуқуқий меъёрлар устуворлигига, шунингдек, маънавий ҳаёт ривожланиши давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб қаралган шароитда ижтимоий тараққиётнинг реал омилига айланади.

Жамиятда кишилар – элатлар, халқлар орасидаги муносабатлар ҳар доим муҳим ва долзарб мавзу сифатида ижтимоий-гуманитар фанларнинг диққат марказида бўлиб келган. Шу сабабли миллатлараро тотувлик муаммосини социологик ўрганишда ҳам турли ёндашувлар – мулоҳаза-мушоҳада (ўйлаш, тафаккур, нуқтаи назар), маданиятга оид (цивилизацион ёндашув), фаолиятга оид, феноменологик (фақат ҳодисаларнигина билиш мумкин, аммо унинг моҳиятини билиб бўлмаслиги тўғрисидаги таълимот) ёндашув каби нуқтаи-назарлардан қараб келинади⁶.

Ҳозирги пайтда ривожланиб бораётган миллатлараро муносабатлар социологияси ўзаро мулоқотнинг миллий гуруҳлар орасидаги ҳолатининг муайян ижтимоий қонуниятлари, ушбу қонуниятларнинг кишилараро муносабатларда намоён бўлиши, турли миллатга мансуб кишиларнинг миллий ғояси, тасаввурлари, меъёр ва қадриятларга эгаллиги ва уларга таяниш тенденцияларини ўрганувчи соҳасидир.

Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар, миллатлараро тенгликка эришиш муаммосини илмий-социологик тадқиқ қилишни тўрт даврга бўлиш мумкин.

- 1) Чор Россияси мустамлакачилиги даври – 1865-1917 йиллар;
- 2) шўролар истибдоди даври – 1918-1991 йиллар;
- 3) миллий тикланиш даври – 1991-2016 йиллар;
- 4) миллий юксалиш даври – 2017 йилдан ҳозиргача бўлган давр.

⁶Батыгин Г.С., Подвойский Д.Г. История социологии. Учебник. – М.: Высшее Образование и Наука, 2007. С. 73; 153; 154; 178; 182.

Ушбу даврлаштиришнинг асоси шундаки, уларнинг ҳар бир даврида миллатлараро муносабатлар базасида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Булар, ўз навбатида, Ўзбекистонда кечган синфий, миллий тикланиш ва ҳозир давом этаётган миллий юксалиш жараёнларининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқдир. Ушбу хусусиятлар қуйидаги олимларнинг илмий изланишларида тадқиқ этилган.

Социолог олим М.Бекмуродовнинг «Жамоатчилик фикрининг ижтимоий-маданий тараққиётидаги роли номли диссертация⁷ иши ва «Замонавий бошқарув социологияси» номли китобида, Р.Убайдуллаева ва О.Атамирзаевнинг «Ўзбекистон ёшлари: ижтимоий қиёфа» номли китобида⁸, М.Ганиеванинг «Общественное мнение как фактор развития межнациональных отношений в Узбекистане» диссертация иши⁹да, С.Отмуротов «Глобаллашув ва миллат»¹⁰ номли мақоласида Ўзбекистондаги ижтимоий ва миллатлараро тотувликка эришишда демократик ҳамда тоталитар давлатлар сиёсати атрофлича таҳлил қилинган.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда шаклланган янги этносиёсий парадигма, яъни демократия, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган, ўзбек халқи бағрикенглиги негизида янги муносабатлар ўрнатилмоқда. Бу эса, собиқ иттифоқ этносиёсатидан умуман фарқланувчи парадигмалардир. Унинг қуйида имманент (*immanens*, «ичида яшайдиган») хусусиятлари келтирилган:

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган, янги миллатлараро тотувлик муҳити қарор топтирилганлиги;

миллатлараро тотувликнинг барқарор ижтимоий муҳитини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш жараёнлари оқилона бошқарилаётганлиги;

демократик, ҳуқуқий давлат куриш асосида миллатлараро муносабатларда тенг ҳуқуқчилик тўла таъминланганлиги;

Ҳаракатлар стратегияси асосида халқаро муносабатларнинг дўстона асосга кўчирилганлиги, этномаданий алоқаларни янада яхшилаш ва миллий маданиятларни ривожлантириш механизми йўлга қўйилганлиги;

Марказий Осиё ҳудудида этномуносабатларнинг ечимига йўналтирилган янги Ўзбекистоннинг миллий сиёсат концепцияси ва минтақалараро геосиёсат асослари яратилганлиги;

халқаро муносабатларнинг субъекти сифатида жаҳонда содир бўлаётган этножараёнлар, низоларни тинч йўл билан ҳал этишга оид тавсиялар, маслаҳатлар ва амалий ёрдамлар бериш фаоллашганлигидир.

⁷Бекмуродов М.Б. Жамоатчилик фикрининг ижтимоий-маданий тараққиётидаги роли./ дис... социология фан.д-ри. - Тошкент, 1999;

⁸Убайдуллаева Р.А., Атамирзаев А.Б. Ўзбекистон ёшлари: ижтимоий қиёфа. – Тошкент: “Ижтимоий фикр”, ЎЗР ФА Иқтисод институти, 2008. – 130 б.

⁹Ганиева М.Х., Общественное мнение как фактор развития межнациональных отношений в Узбекистане./дис.д-ра социол.наук. - Т.: УзМУ, 2010

¹⁰Отмуротов С. Глобаллашув ва миллат. – Т.: Янги аср авлоди, 2008. – 117 б.

Бизнинг назаримизда, жамиятдаги ижтимоий жараёнлар билан миллий ва ижтимоий маданият муносабатлар орасидаги диалектик боғлиқлик қуйидаги илмий-амалий жиҳатларда муҳим аҳамият касб этади:

миллатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жамиятнинг ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий барқарорлигига кўп томонлама боғлиқ бўлиб, бу жараён ўз навбатида, этник мувозанат ва ижтимоий ривожланишни таъминлашга салмоқли ҳисса қўшади;

полиэтник жамиятларда ҳар бир миллатнинг урф-одат, қадриятлари ва ўзига хос хусусиятлари мамлакатнинг ягона миллатпарвар қиёфасини юзага келтиради;

жамиятда фуқаролар маънавий дунёқарашини тарбиялаш ишларининг сустиги ўзга урф-одат, маданият ва анъаналарга берилиш кайфиятини кучайтириш, бу эса, миллатлараро муносабатларга салбий таъсир кўрсатиш эҳтимолини кучайтиради.

Мазкур жиҳатлар фуқаролик жамиятини такомиллаштириш миллий маданий марказларда амалга ошириладиган маънавий тарбия мазмунини титул миллат бўлган ўзбек халқининг бағрикенглик маънавияти билан уйғунлаштириш заруратини долзарб масала сифатида кун тартибига қўяди.

Ўтказилган тадқиқотлар натижалари миллатлараро тотувлик ҳодисасининг универсал моҳиятга эгаллигини, ўзининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асосларга мустаҳкам таяниб амал қилишини тасдиқлади. Янги Ўзбекистонни яратишда «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак» деган ижтимоий адолатни таъминлаш принципи ҳаётнинг барча жабҳаларига жорий қилинмоқда ҳамда барча миллатларнинг ҳаётини эҳтиёжлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларига янада самаралироқ хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда сепаратизм, расизм, сегрегация, дискриминация, мажбурий миграция ва ассимиляция ҳамда шунга ўхшаш ҳар қандай иллатларга қарши туришнинг нафақат этатик, балки ижтимоий тизими шакллантирилди ва мустаҳкамланмоқда. Миллатлараро муносабатлар муҳитидаги барча субъектларнинг динидан, тилидан, ирқидан, миллатидан қатъий назар бевосита тенглиги таъминланди. Миллий ва миллатлараро муносабатларни мувофиқлаштирувчи, тартибга солувчи сиёсий, маданий ва ҳуқуқий тизим такомиллаштирилди.

Тадқиқот натижалари миллатлараро тотувлик муҳитининг барқарорлигини таъминлаш учун мазкур ижтимоий ҳодисанинг ўзгаришлар индикаторлари диссертант томонидан ишлаб чиқилиб турли миллат вакиллари орасида тажрибадан ўтказилди. Натижада миллий тотувлик индикаторлари қаторига миллатлараро ва динлараро бағрикенглик даражасини аниқлаш, барчани бирлаштирувчи титул миллат адабиёти, санъати, маданиятини билиш китобхонлик маданияти орқали миллатлараро алоқа маънавиятини бойитиш элементларини киритиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, ҳозирги даврда миллатлараро алоқа маданиятининг муҳим жиҳатлари (1-расм) ва миллатлараро алоқа маданиятидаги яқин 10 йилликда кутилаётган трансформацион жараёнларнинг социологик прогнози (2-расм) қуйидаги икки чизмадаги тартибда таснифланади.



Миллатлараро алоқа маданиятининг интенсивлашуви титул миллат маданияти ва толерант табиатининг оммалашувиға боғлиқдир. Унинг шаклланишига ўзбекларга хос бағрикенгликнинг миллий гуруҳлар ўртасида мутаносиб тарзда сингиши ва ҳурмат қилинадиган қадриятга айланишига боғлиқдир.

Ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш миллатлараро алоқа маданиятини нафақат корпоратив, балки шахснинг индивидуал ривожланишини ҳам тақозо этади. Янги Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик барча даражадаги ижтимоий муҳит барқарорлигини таъминлашнинг зарур омилигина бўлиб қолмай, инсон ва жамият маърифатининг муҳим мезони ва мақсади ҳисобланади.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик анъаналарининг тарихий таҳлили» деб номланган иккинчи бобида Мовароуннаҳрда миллатлараро тотувликни таъминлашда миллий-диний

анъаналари ва собиқ шўро тузумида миллатлараро муносабатлар сиёсати танқидий таҳлил қилинган ҳамда мустақил Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлашнинг сиёсий-ҳуқуқий ва социал асослари атрофлича ёритилган.

Тарихдан маълумки, юртимиз ҳудудида туркий элатларга мансуб ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар, уйғурлар, қорлуқлар, чигиллар, яғмолар, тўхсилар, тургашлар, арғулар, ябақулар, ўғизлар, қирғизлар, қипчоқлар ва бошқалар истиқомат қилганлар. Шунингдек, қадимдан ўзбеклар билан бир қаторда ҳудудимизда тожиклар, эронийлар, афғонлар, ҳиндлар, хитойликлар ҳам истиқомат қилиб келишган. Бу объектив ҳолат ўзига алоҳида эътибор беришни, жамиятда ўзаро тотувлик, ўзаро ишонч, ўзаро ёрдам учун иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий шарт-шароитларни таъминлашни тақозо этади.

Бизнинг нуқтаи назарда ўзбек халқининг Мовароуннаҳрда миллатлараро тотувлик муносабатларини интеграциялаштирувчи мавқеи устувор аҳамиятга эга бўлганлиги қуйидаги йўналишларда намоён бўлади:

1. Мовароуннаҳр ҳудудида буюк аجدодларимиз Имом Бухорий, ал-Ҳаким ат-Термизий, Имом Исо Термизий, Абу Наср Форобий, Абу Мансур Мотуридий, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Қафқол Шоший, Бурхонниддин Марғиноний, Амир Темур, Баҳоуддин Нақшбандий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби олимлар илм-маърифат, эзулик, инсонпарварлик орқали дунёни англаш ғояларини турмуш тарзига сингдириш борасида буюк хизматлар қилганликлари;

2. Мовароуннаҳрда миллатлараро мулоқот маданияти, миллат ва элатларнинг бири-бирига яқинлаштиришга хизмат қилувчи барча соҳада илмий асосланган асарлар, китобларнинг яратилганлиги;

3. Миллатлараро тотувликнинг таъминланишида Мовароуннаҳрдаги турли миллат вакиларининг маданиятлараро ҳамкорлиги, диний бағрикенгликка таянувчи муносабатлари, ҳунармандчилик, санъатнинг ривожланишига устувор аҳамият берилганлиги.

Ўзбек халқининг асосини ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида бир неча минг йиллар давомида яшаб келган маҳаллий суғдийлар, қанғлар, бақтрияликлар, хоразмийлар, довонликлар, саклар ва массагетлар ташкил этган. Аксарият туркий давлатларда ўзбек тили форс тили билан бирга расмий давлат тили бўлиб келган. Хива хонлиги ва Олтин Ўрда давлатида эса ўзбек тили ягона давлат тили бўлиб келган. Олтин ўрдага тобе барча славян рус князларига топшириқлар, буйруқлар ўзбек тилида юборилган ва ижро ҳам ўзбек тилида қабул қилинган. Турли даврларда бу ҳудудларга кириб келган қабилалар, элатлар ва халқлар давр ўтиши билан маҳаллий аҳолига ўзининг кучли таъсирини ўтказган¹¹. Ўтмишга назар ташласак, ўзбек тили қорахонийлар давридан бошлаб расмий алоқа тили бўлгани, Чингизхон босқинидан кейин эса, чиғатой лаҳжаси замонавий ўзбек тили

¹¹Қаранг: Шониёзов Қ. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. - Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа. 2001. -464 б.

тараққийетининг босқичларидан бири бўлган¹². Аммо, сўнгги 150 йилда Россия империяси босқинидан сўнг давлат ва жамият қурилишида кескин ўзгаришлар юз берди. Ўзбек халқи шаклланиши жараёнининг барча босқичларида маҳаллий аҳоли мавқеига нисбатан четдан келган босқинчи қавмлар мавқеи устун бўлган. Ўзбекистонда маҳаллий аҳолининг имло ёзуви уч маротаба ўзгартирилгани фикримизнинг исботидир. Шунга қарамай, икки минг йил давомида маҳаллий аҳолига келиб қўшилган турли халқлар, хусусан, туркий тилли элат ва халқлар ўзбек халқининг этник таркибий қисми сифатида қатнашган¹³.

Собиқ шўро давридаги миллий сиёсат миллатларнинг миллий ўзлигини англаши, миллатлараро тотувлик, бағрикенглик муносабатларини издан чиқаришга қаратилган.

Шўролар сиёсатида мамлакат халқларини этник ассимиляцияга олиб келувчи буюк рус шовинизмининг хавфи бирор марта ҳам танқидий таҳлил қилилмаган. Аммо, миллатчиликка қарши кураш давлат ҳокимияти ва коммунистик партия раҳбарларининг доимий диққат марказда бўлди. КПСС Марказий Комитетининг 1926-1982 йиллар орасида «миллатчиликка қарши курашга қаратилган 30 дан ортиқ ҳужжат қабул қилгани ҳам буни тасдиқлайди¹⁴.

1937-1953 йилларда республикамиз раҳбарларининг 70 фоизи репрессия қилингани, умуман эса 1937-1952 йилларда Ўзбекистондан 100 минг киши қатағон этилиб, 13 минг киши отиб ташлангани ҳам мазкур давр сиёсатининг мудҳиш қиёфасини тасаввур қилиш имконини беради¹⁵.

Шўролар давлати тепасига Ю.Андропов чиқиши билан 1984 йилдан бутун мамлакатда туб ўзгаришлар даври юзага чиқа бошлади. Гарчи бу ислохотлар халқ оммасида катта умидларга сабаб бўлган бўлса-да, моҳиятан кучли яккаҳоқимлик ва маъмурий босимлар остида кечди ва ислохотчининг даври тугаши билан бу ислохотлар ҳам тезда унутилди. Шу даврда мактаб ислохоти бошланиб, кейинчалик К.У.Черненко даврида мазкур ислохотлар давом этди. Миллий тилдаги мактабларнинг типовой дастурлари яратилиб, уларда она тилидан «ўқувчиларнинг рус тили ва адабиётини ўрганишни энгиллаштирувчи восита» сифатида фойдаланиш тавсия қилинди. Рус тили миллатлараро алоқа воситаси сифатида улуғланиб, миллий тилларни ривожлантириш «иккинчи масала»га тушиб қолди.

Мустақил Ўзбекистон давлати юзага келгач, миллатлараро тотувликни таъминлашнинг сиёсий-ҳуқуқий ва социал асослари ёритилди.

Республика аҳолисининг миллий таркибида доимий равишда ўзгаришлар кузатилган. 1991 йилда республика аҳолиси таркибида ўзбеклар

¹²Якубовский А.Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа. - Ташкент, 1941. - С. 1, 12, 13.

¹³Қаранг: Ўша манба. 1941. С. 1, 12, 13.

¹⁴Қаранг: Юсупов У. В боях против контрреволюционных буржуазных, мелкобуржуазных и националистических элементов // Правда Востока. 1930. 18 августа; Нарышкин В. Борьба с ползучими (националистическими) уклонами в вопросах политехнизации школ Узбекистана // За коммунистическое просвещение. 1931. №3; Бауман К. Борьба за линию партии и наши задачи. - М.-Т., 1932.

¹⁵Алимова Д. Головонов А. XX аср – мафкура нигоҳида. “Халқ сўзи”, 2002, 25 июнь.

